

Нигерияда мусулмон талабалар учун масжид қурилди



14:06 / 26.11.2018 2412

Нигерия пойтахти саналмиш Абужада икки минг бола таҳсил оладиган мактаб кампусида Туркиянинг “Инсон нашрлари” ташкилоти томонидан масжид қурилди. Бу ҳақда IQNA ахборот агентлиги хабар берди.

Дорул Арқом вақф фонди бошқарув раиси Доған Гўкманнинг маълум қилишича, ушбу масжид фонд ҳамкорлигида очилган тўртинчи масжиддир. Масжид имом хатиби Юсуф Солиҳнинг айтишича, мактаб 1989 йилда қурилган бўлишига қарамай, унда мусулмон талабаларнинг ибодат қилишлари учун махсус масжид бўлмаган. Ушбу хайрли иш туркларнинг мактабга ташрифларидан сўнг амалга оширилган.

